




ТОШКЕНТ ОКШОМИ



ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСIIY
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 29 (9.373) 2000 йил 10 март, жума

Сотувда эркин нархда

Ислом КАРИМОВ

ХАЛҚИМИЗГА БУНЁДКОРЛИК РУҲИ ЁР

Бир муддат ўтиб юртимизга яна ташриф буюрган киши, албатта, бир гапни таъкидлайди: яна қурилиш, яна бунёдкорлик. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқининг бунёдкорлигини бузун бутун дунё тан олмақда. Ўзимиз ҳам. Балки мана шуниси — ўзимизнинг тан олаётганимиз муҳимроқдир. Зеро, бу халқимиз онгида яратувчилик руҳининг қайта тикланиб турганидан, ана шундай туйғу билан яшай бошлаганимиздан, эртанги кунга ишончимиздан далолатдир. Утган саккиз ярим йиллик эркин тараққиётимизнинг қайси бир соҳасини олмадик, энг аввало кўзга ташланадигани айнан бунёдкорлик, яратувчилик ишлари бўлади. Ушбу тарихий тадбирларга бошқош бўлаётган, халқимизни бутун дунёга бунёдкор сифатида таништираётган ҳам Юртбошимиз Ислом Каримов эканини барчамиз яхши биламиз. Бирон бир йил йўқки, ҳоҳ мамлакатимиз пойтахти, ҳоҳ вилоятларда бўлсин, бунёдкорлик тадбирлари давом этмаётган бўлса.

Маълумки, 1999 йилда Президентимиз ташаббуси билан 2000 йилда буюк мутафаккирлар Абу Мансур Мотуриддиннинг 1130 йиллиги, Бурхониддин Марғиновичнинг 910 йиллиги, 2001 йилда эса Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарорлар қабул қилган эди. 8 март кунини давлатимиз раҳбари мазкур тадбирлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг лойиҳалари билан танишди. Ушбу лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти, мафкураси нуктаи-назаридан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жумладан, Абу Мансур Мотуриддин хотирасига бағишланган мажмуани табаррук ватандошимизнинг ҳоки ётган жойда эмас, бутунлай бошқа ерда бунёд этишни мўлжаллаган меъморлар режасига ўзгартириш киритишни таклиф этди. Президентимиз, жумладан, улуг алломанинг макбараси айнан унинг руҳи поки кўнми тоғдан жойда барпо этилиши кераклигини, тарихий ҳақиқатга зид иш тутиш адолат мезонига тўғри келмаслигини алоҳида ўқитиб ўтди. Бурхониддин Марғинович таваллудини нишонлаш билан боғлиқ Марғилон, Риштон шаҳарларида барпо этилиши мўлжалланган ишларнинг лойиҳаси билан танишиш чоғида Юртбошимиз амалга ошириладиган қурилиш, ободончилик тадбирлари мўлжалдаги мақсад ва вазифаларнинг маъно-моҳиятини бузмаслиги, ота-боболаримиздан қолган қадриятлар, удуларга зид бўлмаслиги кераклигига алоҳида эътиборни қаратди. Жумладан, Марғилон шаҳар марказий боғида — кўнгилбоғлар масканда Бурхониддин Марғинович хотирасига бағишланадиган ёдгорликни ҳамда мотамсорона она ҳайкалини ўрнатилиш ҳам меъморий, ҳам маънавий нуктаи назардан тўғри келмаслигини таъкидлади. Шунингдек, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Сурхондарё марказида барпо этиладиган иншоотлар хусусида ҳам фикрлар билдириб, Сурхон воҳасида мавжуд археологик обидаларни авайлаш, улардан тоғилган асори атиқаларни бир неча минг йиллик тарихий-маданий тараққиётимиз намунаси сифатида келажак авлод учун сақлаш мақсадида Термиз шаҳрида алоҳида музей барпо этиш борасида кўрсатма берди.

Лойиҳалар билан танишиш чоғида Президент шаҳарсозлик, меъморлик маданияти, қонунлари, талабларига ҳам диққатни жалб қилди. Жумладан, Навоий вилояти марказининг келгусида шаҳарсозлик нуктаи назаридан ривожланиши ҳамда бу ерда Алишер Навоий ҳайкалини барпо этиш ҳақида ўз таклифини айтди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари яқинлашиб келатган умумхалқ байрами — Наврўзи оламини нишонлаш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари билан ҳам танишди ва байрамнинг асосий тантаналари ўтказилишини Ўзбекистон Миллий боғидаги янги саҳна майдони курабистон кўздан кечирди. Президентимиз қурилатган ушбу янги маскан Навоий боғи билан уйғунлашиб, унинг кўрқига кўрк қўиши, бог атрофидаги бинолар яққол кўриниб туриши лозимлигини таъкидлади. Томошбинлар учун мўлжалланган ўриндиқлар ҳар томонлама қулай бўлиши зарур. Юртбошимиз Наврўз байрами томошалари дастури билан ҳам қизиқиб, унда халқимиз миллий қадриятлари, анъаналари билан боғлиқ саҳна кўринишлари, дорбозлар чиқишлари, халқ оғзаки ижоди, замонавий эстрада қўшиқлари кенг ўрин бериш кераклигини алоҳида қайд этди. Халқимиз бу байрамни ҳар йили интиқлик билан кутади. Шу боис, бу байрам дастури ҳар бир томошабинда ўзига хос қувончли таассурот қолдирсин, деди Президентимиз.

Махмуд ТЕМУРОВ (ЎЗА).

Тошкентда сўнги йилларда барпо этилган она шайхнинг кўрқига кўрк қўишган осмондор бетақор бинолар, кўркам боғлар, ўқув ва даволаш муассасалари, кўприклар, йўллар, кенг қамровли ободончилик ишлари кўпчилигига яхши маълум.

Азим пойтахтда бу йил қурилишлар қўла-ми қай даражада бўлади? Тошкент шаҳар ҳокимининг қурилиш, уй-жой ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосари А. Ҳ. ТУХТАЕВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Абдуқадир Ҳасанович, энг аввало шаҳарда ўтган йилги қурилиш соҳасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб ўтсангиз.

— Шунинг алоҳида қайд қилиб ўтишим кераки, Тошкентдаги барча улкан қурилишларнинг ташаббускори ва бевосита раҳбари Президентимиз Ислом Каримов бўладилар. Улар пойтахт кўркини кўрки деб биладилар. Бевосита Юртбошимиз ташаббуси ва маслаҳатлари билан сўнги йилларда Тошкентда бунёд бўлган ноёб иншоотлар бунга яққол мисол бўла олади.

Ўтган йили пойтахтда 34,7 миллиард сўмлик қурилиш ишлари олиб борилди. Бу йиллик истикбол кўрсаткичларининг 110 фоизини ташкил этди. Пудратчи ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишлар 118 фоиз этиб адо этилди. Ўрни келганда шунинг ҳам таъкидлаб ўтишим кераки, ушбу қурилишларга давлат ташкилотлари билан бир қаторда қурилиш-монтаж фаолияти билан шуғулланадиган кичик корхоналар ва фирмалар ҳам кенг жалб этилган. Бу ўринда "Ўй-жойқурилиш", "Тошкентсаноатқурилиш", "159-трест", "Шаҳарйўлқурилиш", "Кўприкқурилиш", "Метрорқурилиш" каби пудратчи ташкилотлар билан елкама-елка ишлаган "Грантқурилиш", "Эркин-қурувчи", "Араббой", "Эликом", "Ғабул" сингари қатор кичик корхоналар ва шахсий фирмалар номларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.


1999 йили Тошкент шаҳри бўйича 502,6 минг квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу кўрсаткич аввалги йилда олиб борилган уй-жой қурилиш қўла-мига нисбатан 102,2 фоизини ташкил этди. Аҳоли учун уй-жой қуриш соҳасида пудратчи

ташкilotлар ўз зиммасига олган вазифани ўринли адо этганлиги учун пойтахтнинг минглаб аҳолиси ўз уй-жой шароитлари-

бод ва қўйлиқ кўприкларни қурилиб, қисқа муддатда фойдаланишга топширилди. Бу кўприклар шаҳар автотранспорти ҳаракатини тар-

Келажакка юз тутган шаҳар

ПОЙТАХТ КЎРКИ — ЮРТ КЎРКИ



ни яхшилаш имконига эга бўлдилар.

Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур асосида ўтган йили коллеж ва академик лицейлар қурилиши учун 9,4 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланди. Ушбу маблағ ҳисобидан фарзандларимиз учун 11470 ўринли 15 та коллеж ва 5005 ўринли 9 та академик лицейлари қурилиб ва қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 1144 ўқувчига мўлжалланган мактаблар ва 480 ўринли болалар боғчалари ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Шу билан бир қаторда ўтган йили Юнсо-

тибга солиш билан бир қаторда пойтахт меъморчилигини янада бойитди. Юнсопод кўприги қурилишида биринчи марта монолит усۇли қўлланилди. Бу усۇл ҳар томонлама самарали эканлигини кўрсатди. "БҮИГ" фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилган "Шератон-Тошкент" меҳмонхонаси мажмуасининг қисқа муддатда қурилиб топширилиши ҳамда унинг бетақор ташки қиёфаси шаҳар ҳуснига янада ҳусн қўшди. Шунингдек, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг севимили оромгоҳларидан бири "Боғи эрон" қайта таъмирланиб, унинг ҳудуди янада кенгайтирилди. Шаҳар маркази-

Пойтахтимиз Тошкентнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги мавқеи, аҳамияти ҳаммамизга аён. Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетақор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серқўш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намён этадиган Ватанимиз остонасидир.

Ислом КАРИМОВ

дан декември гуманистнинг ҳусни қиёқари қўчаси билан улловчи троллейбус йўли бектемирликлар учун катта тўхфа бўлди десам янглишмайман. Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишга туширилган "Кобул-текстил компанияси" кўшма корхонасининг ишга тушиши пойтахтимиздаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди. Шу кунларда ушбу корхонада 2,5 минг аҳоли ўз касбига эҳтиёж тоғди. Тошкент Ислон университети биносининг биринчи навбати қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бу ушбу ўқув масканида ўқиниш ўз вақтида бошлаш имконини берди. Юнсопод деҳқон бозори ва бошқа иншоотларнинг бунёд этилиши шаҳар аҳолисига анча қулайликлар туғдирди. Айниқса, Акмал Икромов тумани ҳудудида янги типдаги қурилиш-коммунал қолжонининг барпо этилиб, фойдаланишга топширилиши фарзандларимиз учун катта тўхфа бўлди десам янглишмайман.

Сўзсиз ўтган йилги энг йирик қурилиш объектларимиздан бири марказий "Хотира майдони" мажмуаси бўлди. Ушбу мажмуа жуда қисқа муддатда фойдаланишга топширилди. Бу ердаги "Хотира китоби"да Иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келмаган 430 минг юртдошларимиз исм-шарифлари зарҳал саҳифаларда абадийлаштирилди. Эндиликда бу майдон мамлакатимиз фўқаролари ҳамда юртимиз меҳмонларининг муқаддас зиёратгоҳларидан бири бўлиб қолди.

Шаҳар айланганда юртимиз мустақиллиги туғайли барпо этилган жаҳон андозасидаги бино ва иншоотларга назар солар эканман, буюк бобоқолонимиз Амр Темурнинг "Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қудрдиган биноларга боқинг!" деган ибратли сўзлари ёдимга тушади. Қаранг, қандай топиб айтилган бетақор сўз. Унда бир дунё маъно бор. Кўриниб турибдики, улкан қурилишлар билан юртини обод этиш бизга авлоду аждодларимиздан қолган анъана. Миллий қадриятлар ва анъаналарга содиқ бўлиш, уни сақлаш ва ривожлантириш бизнинг бош инсоний бурчимиздир.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: "Алломиш" спорт саройи бундан бунёд қилинишида бўлади — у республика халқаро савдо кўрсатмаси маркази бўлади.

Мурувват ўн кунлиги

САВОБ ИШЛАР

Яқинлашиб келаятган Наврўз халқимизнинг энг қадимий қўлағу ва улуг байрамидир. Бу галси Наврўз Кўрбон ҳайити байрамига улашиб кетиши билан алоҳида эътиборлариди. Янги йил бошлангани шубҳасиз Шайхон меҳр-мурувватли ва саховатли бўлишлари билан ажралаб турган.

Ана шу тарихий анъаналарга содиқ қолган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлагов кўлугу Кўрбон ҳайити ва Наврўз байрами арафасида пойтахтда "Мурувват 10 кунлиги" ўтказиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқлади.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги матбуот гуруҳининг масъул котиби Эргаш Исмаилов Тошкент шаҳар ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Эркин Эрназаров билан учрашиб ушбу тадбирдан қўзғалган мақсад ҳақида суҳбатлашди.

Эркин Мадридиров, Кўрбон ҳайити ва Наврўз байрами кўнларини пойтахтда ўтказиладиган "Мурувват 10 кунлиги" тадбир-режасида нималар қўзда тутилган?

— Қатор корхона ва муассасалар ҳамда жамоат ташкилотларининг таклифлари асосида Тошкент шаҳрида 15-25 март кўнлари "Мурувват ўн кунлиги"ни ўтказишга қарор қилинди. Ушбу тадбирдан қўзғалган асосий мақсад Кўрбон ҳайити ва Наврўз байрами кўнлари Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар, умуман ерданга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, хайр-эхсонлар қилиш, корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда байрам тадбирларини ўтказиш, дастурхонлар ёзиш, жойларда концерт ва бошқа томошалар ташкил этиш, бир сўз билан айтганда саваб ишлар қилишдан иборат.

Пойтахтда бундай тадбирни ўтказишга мухтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан Рамазон ҳайити арафасида ўтказилган "Меҳр-мурувват 10 кунлиги" намуна бўлди. Муҳтожларга мурувват кўрсатиш, хайр-эхсон улаштириш барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарининг, қўлаверса ҳар бир кишининг инсоний бурчидир.

Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш кераки, ҳар йили Наврўз байрами кўнлари муҳтож кишиларга мурувват кўрсатиш аянчага айланиб қолган. Қўлугу айём кўнлари кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож кишиларга хайр-эхсон улаштириш ҳар бир йилнинг кишининг ҳам қарзи, ҳам фарзи. Бу азал-азалдан давом этиб келаятган миллий қадриятларимизнинг ёрқин намуналаридан бири.

"Мурувват 10 кунлиги" давомида шаҳардаги барча Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, Мурувват уйларидаги нуруний отахон ва онахонларимиз, ногиронлар, боқувчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган оилалар, қаровсиз қолган қарииялар, меҳнат ва уруш фахрийлари, саховат кўрсатиш кўзда тутилган.

Бу саваб ишларда шаҳар ва туман ҳокимликлари, маҳаллалар, савдо ташкилотлари, касба уюшмалар, ижтимоий таъминот соҳаси ходимлари, "Меҳрибонлик" ногиронлар

жамияти, "Маҳалла", "Наврўз", "Соғлом авлод учун" жамғармаларининг шаҳар бўлими, Қизил Ярим Ой жамиятининг шаҳар бўлими, тадбиркорлар, умуман барча савдо-ваттешлар фаол иштирок этиш истагини билдирганлар.

Кўрбон ҳайити ва Наврўзнинг шубҳасиз кўнларида Тошкентдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 1335 та ўғил ва қиз болаларга шаҳар ҳокимлиги томонидан бир сифра кийим-бош ва идиш-товуқлар совға қилинади. Уларга байрам дастурхони ёзилади. Бунинг учун 13 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, қўлугу байрам кўнлари Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини сийлаш яхши анъаналарга айланиб қолган. Аввалги Наврўз байрами ва Мустақиллик кўнларида ҳам бу тарбияланувчиларга кийим-бош, жиҳозлар мунтазам равишда совға қилинган. Шу билан бирга Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 30 нафар оромгоҳларда бепул дам олиш учун йўлланма билан таъминланади. Халқ таълими ходимларидан 300 кишига ва кам таъминланган оилалардаги 1000 нафар мактаб ўқувчиларига баҳорги таътил кўнлари дам олиш уйлари, сийхатгоҳ ва оромгоҳларда ҳордиқ чиқариш учун йўлланмалар берилди.

Ободонлаштириш бош бoшқармаси пенсияга чиққан фахрийлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар ҳамда ногиронлардан иборат 575 кишига меҳру мурувват кўрсатиб 1,7 миллион сўмлик, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими маҳаллалардаги муҳтож оилаларга умумий қиймати 10 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатиш режаси таъкидлаб қўйган.

Наврўз хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими муҳтож ва ногирон фарзандларга 1 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат байрам совғаларини топширади. "Қаноат" мувофиқлаштириш маркази 300 минг сўм миқдордаги ўз маблагини меҳру мурувват йўлига атаб қўйган. Ижтимоий таъминот бoшқармаси томонидан ногиронларга 30 та ногиронлар арачаси, 50 та эшитиш мосламалари, 140 та хисса ажратилди. Шаҳар Қизил Ярим Ой жамияти 35 нафар ёлғиз ногирон қариияларга 547 минг сўмлик байрам совғаларини улашди. Кам таъминланган ҳамда кўп болали ногиронлар оилалари учун 300 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади. Ногиронлар арачаси учун 72 минг сўм ажратилди.

"Мурувват 10 кунлиги" тадбири давомида шаҳардаги 40 та сартарошхона кексаларга ва ногиронларга бепул хизмат кўрсатади. "Меҳрибонлик" ногиронлар жамияти томонидан Ўзбекистон Миллий боғида 25 март кунини ҳомий ташкилотлар қўлағида 1000 нафар ногиронлар ва уларнинг оила аъзолари учун байрам тадбирини ўтказди.

Туман ҳокимликлари томонидан Кўрбон ҳайити ва Наврўз байрами кўнлари 445 та маҳалланинг ҳар бирини дастурхонларга баҳорий таомлар — сумалак, ҳаллом тортиш режаси таъкидланган.

Анъана бўйича Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрами қўлағида 445 та маҳалланинг ҳар бирини дастурхонларга баҳорий таомлар — сумалак, ҳаллом тортиш режаси таъкидланган.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Тошкент шаҳри ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги 84-Ф сонли Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлагов "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлигини ўтказиш ҳақида" фармойиш қабул қилди.

Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги 84-Ф сонли Фармойиши ижро учун қабул қилинди.

2000 йил 1 мартдан 31 мартга қадар "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги" ўтказилиб, қўйидагилар ойликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирлар қўриш;

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш; транспорт ва пидедалар ҳаракати серкатнов бўлган йўлларни белгилаш, уларни йўллар ва жойларни белгилаш, уларни қўриқдан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тақиллар тайёрлаш, уларни баргараф этиш чора-тадбирларини қўриш;

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирлар қўриш;

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирлар қўриш;

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирлар қўриш;

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирлар қўриш;

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирлар қўриш;

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирлар қўриш;

рейдлар ташкил этилишини инобатга олиш; ушбу ойликнинг самарали ўтказилишида кенг жамоатчилик ташкилотларини жалб қилиш, шунингдек ўқув масканларида ИХНБ ва ИҲБ бригадаси ходимлари томонидан йўлларда кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида учрашув, суҳбатлар уюштириш;

пидедалар серкатнов бўлган чорраҳа ва йўлларда кенг профилактик тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бoшқармаси зиммасига:

шоҳча ва қўчаларда, темир йўл кескичмаларини ҳамда йўловчилар йўлкаларини таъмирлаш ва тартибга келтириш юзасидан тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бoшқармаси ва Тошкент шаҳар Ўрта-маҳсув ва касб-хунар таълими бoшқармаси зиммасига:

болалар муассасалари, мактаб, коллеж ва лицейларда ўқувчи ёшлар орасида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилиш мавзусида йиғилишлар, суҳбатлар ўтказишнинг ташкил этиш топширилди.

"Тошкент окшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари, "Тошкент" студияси зиммасига:

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги"нинг боришини кенг ва атрофлича ёритиш вазифаси топширилди.

Тегишли бoшқармалар, туман ҳокимликлари олийк давомида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида Тошкент шаҳар ҳокимлигига 2000 йилнинг 7 апрелига қадар тўлиқ маълумот берилишини таъминлашлари керак.

(Давоми. Боши газетанинг 6,8,9,12,21,24,27-сонларида).

Шоҳ пари ҳам овозади Хотамни жавонмард-лигини эшитган эрди, тахтидан тушиб, қучоғига олиб бўсалар айлади. Хотамнинг келишини ўзига фохр деб билди, иззат-ахтирларини ҳаддин оширди. Неча кунлар ҳамсухбат бўлди. Бир кун Хотамдин сўрадики, Сизнинг йман пардаларида ҳақини ҳозир боришким, киши юбориб олдириб келсам. Хотам сўрадики, Ҳақини олиб келмакни боиси нимадур деб. Шоҳ пари дедиким, бир ёлғиз ўғлим бордур, кўзимнинг нуридир анча фурсатлардин буён кўз оғригидур. Ҳукамолари-мининг муолажалари асар қилмади — деди. Хотам айтиди, бу илмдан ҳам андак бохабардурман. Шаҳ-зоданинг кўзларини бир кўрсам — деди. Шоҳ пари Хотамни ўғли ётган ерга олиб кирди, гўёки бир га-вахари яқдондур ва лекин кўзлари шишиб аламда-дур. Хотам бир жом сув олдириб келиб муҳрайи Моҳ парини уч мартаба чайкаб, бир рўмонни анга ҳўл айлаб шаҳзоданинг кўзига боғлади. Бир соат ўтди, шаҳзода ухлади, кўзининг оғриғи пасайди. Уйқудин туриб кўзини очди, сикат бўлибдур. Зиеда ҳўш ва хуррам бўлдилар. Арқони давлат ва аён салтанатлари хурсанд бўлдилар. Шоҳ айтиди, шаҳ-зодани кўзлари сикат топди ва лекин нури камдур, ани равшанлиғи учун ҳам бир муола-жа қилсангиз эрди, — деди. Хотам жавоб бер-диким, эй шоҳ давлатпаноҳ, зулмат ичинда айн ал-ҳаёт чашмасидин сув ичган бир дарахт бор-дур, ани шамшод нур рез дерлар, ундан дам-бадам сўтдек мусасфдо сув томиб турадур. Агар ул дарахти нурездин икки қатра сув мавжуд бўлса, шаҳзоданинг кўзларини равшанлиғи ав-валгидин ҳам зиеда бўлур эрди. Бу тадбир барчага писанд бўлди ва лекин уни муҳайё қилиш мушкул эрди. Анга нигоҳбонлар кўн-дурлар. Бир жамоа девлар ҳаммаша ҳозирдурлар. Шоҳ дедиким, эй арқони давлатлар кимдурки бу хизматни айласса, подшоҳида пайдо бўла-диган ҳар нимарса бўлса берурман — дегач, Хусной паридин бўлак ҳамма сарнагун эрди-лар. Хусной пари бу ишга мутасадди бўлиб, шохдин ва ҳозирлардин фотиҳа олиб ўз то-биълари билан Зулмот йўлига равона бўлди-лар. Ҳамма парилар парвоздин қолдилар. Ўзи танҳо зўр бериб Айнал ҳаётга қадам эткурди. Муайял девлар фориг ал-бол уйкуда эрди-

лар. Ул дарахти нурезини тоғиб, ани шарба-тидин бир шишага солиб, оғзини маҳкам ай-лаб туриб эрди, девлардин бири уйғонди. Кўрдики, бир бегона пари турибдур, наъра тоғиб Хуснойга қасд айлаб юғурди. Девлар ҳаммаси туриб ҳамла айладилар. Хусной пари худойи таолонинг ёди билан парвозлаб бир гайрат айладиким, жумла девлар парвоздин қолдилар. Хусной пари ўзини Зулмат худудин пардасидин ташқарига чиқди. Бир сабзавор ҳўш ҳаво ерга тушиб, нафасини рост айлаб яна парвоз айларга турди, оз фурсатда шох

пишгандин сўнгра париларга амр қилиб олди-риб келурман — деб, ваъда айлаб, Хотамни қўлга тақиб қўйди. Ул ниғининг хосиятидин мадфун (қўмилиб кетган) бўлган ҳазиналар ва ҳар хил ажнос, жаҳоирлар ер остида ва усти-да бўлса намоён бўлди. Хотам билдиким, му-нодо ҳосиятлар ушбу муҳрададур. Хотам шох паридин жавоб олди, ул миқдор дунёки, Хотамга мавжуд бўлиб эрди, ҳаммасини пари-ларга кўтартириб, шох ўғли ва ўзи бир-икки манзил бирга келиб узатди ва париларга амр қилдиким Хотамни Фарқош шох пардасига ет-куриб, девларга топириб келгайлар. Хотам шох пари билан видолашиб йўлга ра-вона бўлди. То Хусной пари боғига етиб, қарийб бир ой Хусной пари билан ишрат-лар айлаб, парилар ҳам кўп хурсанд бўлдилар. Хусной пари ҳам Хотамни зиеда ҳўшуд айлаб, то бир хаф-талиқ йўлга ҳамроҳлик ки-либ, сўнгра видолашиб ўз маконига озим бўлди. Пари-лар ажносларини кўтариб, Хотамни Фарқош шох пар-дасига еткурди, девларга топириб, Шоҳ пари олди-га кетдилар. Девлар Хотам-ни шохларига еткурдилар. Шоҳ зиеда хурсанд бўлиб, то уч кун саклаб, зиефатлар айлаб, инъомлар бериб, девларга буюрди гор боши-га элтиб қўйдилар. Девлар видолашиб ўз жой-ларига кетдилар. Хотам саройга бориб Найим-ни кўриб, ул молларни олдириб саройга кел-ди. Хотиржам бўлиб ўлтирдилар. Бир кечани ўтказиб Найим билан Хотам Хожа Хорисни уйига бориб меҳмон бўлдилар. Малика парда ораксидин савол берди. Хотам кўрганларини айтиб жавоб бериб, муҳрайи Шоҳ парини бер-ди, Малика қўлига солиб жумла мадфун ва жа-ҳоиротини ерининг орасида ва устида бўлса ан-қик кўрди, шод бўлди. Хотам сўрадики, энди нечүк хизматлари бордурки, бажо айласам — деди. Малика жавоб бердики, шартлар тамом бўлди, ихтиёр ўзларидадур, мен қанзакларни бўлдим — деди. Хотам мен сени Найим бир-даримга бағишладим — деди. Хожа Хорис ва Малика рози бўлиб, тўй тарадудига тушиб, ўз расмлари билан ораста тўйлар айлаб, ма-ликани Найимга никоҳ айладилар. Икки ойиқ бир-бирларидин қамийиб висол бўлдилар. Хотамни дуолар айладилар. Хотам бу ишлар-дин фориг бўлиб, видолашиб, яна йўлга туш-ди.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).

Доншмандлар хазинасидан

ХОТАМНИНГ ИККИНЧИ САФАРИ

паридаргоҳига қадам еткурди. Шишани ҳад-жа қилди, шохнинг шодлиғи ҳаддин ошди. Хо-слар маконидида жой берди. Мунош парини ва-зир қилди. Хотам дарҳол ул шишани оғзини очиб, бир-икки қатра бир жомга томизиб, муҳ-райи Моҳ парини анга чайиб салоя (аралаш-тириб) айлаб, шаҳзоданинг кўзига сурмадек тортиди. Икки соат боғлаб қўйиб очди, кўзи чароғдек бўлди, қадимгисидин ҳам равшан бўлди. Шаҳзода Хотамнинг оёғига ўзини таш-лади. Хотам шаҳзодани ўз қучоғига босиб, юз-кўзидин бўсалар қилди. Ҳозирлар ҳамма-лари муборакбод айладилар. Ўз қолдарида шодлик таблини навозишга келтирдилар. Қаламравини барчасини қачириб, бир неча кун шаҳзода учун тўй-тамошолар қилиб берди. Узоқ-яқиндин келган ҳар сурат парилар, дев-лар ва ажиналар ҳаммалари мураҳас бўлиб, ўз маконларига кетдилар. Хотамга назрона-лар кўп йиғилди. Шоҳ пари ҳам қўлдин-қўп жаҳоирлар ва қимматлиқ марваридлар инъо-мон айлади. Хотам дедиким, эй шох меҳна молу дунёлар керак эрмас. Агар мен қамина қўл-ларини сарафроз айлаласам, қўлларидида шох муҳрани ато айлаласам — дегач, шох айтиди, эй Хотам, азбаройи сизни ҳурмат қилиб берур-ман ва лекин ул икки ойиқ Найим билан Хожа Хорисни қизи бир-бирлари билан то-

ни шохларига еткурдилар. Шоҳ зиеда хурсанд бўлиб, то уч кун саклаб, зиефатлар айлаб, инъомлар бериб, девларга буюрди гор боши-га элтиб қўйдилар. Девлар видолашиб ўз жой-ларига кетдилар. Хотам саройга бориб Найим-ни кўриб, ул молларни олдириб саройга кел-ди. Хотиржам бўлиб ўлтирдилар. Бир кечани ўтказиб Найим билан Хотам Хожа Хорисни уйига бориб меҳмон бўлдилар. Малика парда ораксидин савол берди. Хотам кўрганларини айтиб жавоб бериб, муҳрайи Шоҳ парини бер-ди, Малика қўлига солиб жумла мадфун ва жа-ҳоиротини ерининг орасида ва устида бўлса ан-қик кўрди, шод бўлди. Хотам сўрадики, энди нечүк хизматлари бордурки, бажо айласам — деди. Малика жавоб бердики, шартлар тамом бўлди, ихтиёр ўзларидадур, мен қанзакларни бўлдим — деди. Хотам мен сени Найим бир-даримга бағишладим — деди. Хожа Хорис ва Малика рози бўлиб, тўй тарадудига тушиб, ўз расмлари билан ораста тўйлар айлаб, ма-ликани Найимга никоҳ айладилар. Икки ойиқ бир-бирларидин қамийиб висол бўлдилар. Хотамни дуолар айладилар. Хотам бу ишлар-дин фориг бўлиб, видолашиб, яна йўлга туш-ди.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).

МАҚОЛЛАР

- ◆ Тилни билиш — дил-ни билиш.
- ◆ Тилдан ҳам бол то-мар, ҳам — захар.
- ◆ Севдирган ҳам тил, Бездирган ҳам тил.
- ◆ Тил — юракнинг қа-литти.
- ◆ Тилнинг захри кет-са ҳам сўзнинг захри кетмас.
- ◆ Оз сўз — соз сўз.
- ◆ Сўз суякдан ўтар, таёқ этдан.
- ◆ Кўп сўзнинг ози яхши.
- ◆ Оз сўзнинг ўзи яхши.
- ◆ Гапни оз сўзла, ишни кўп қўзла.
- ◆ Оқил киши сўзига бино қўяр.
- ◆ Нодир киши ўзига бино қўяр.
- ◆ Яхши сўз эшитмоқ-чи бўлсанг, ёмон гап ай-тма.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА.



11 март — шанба (Ойнинг 5/6 кунин).

Бу кеча-кундузда қувват-ахборот тарқиб кишини танҳоликка мойил қилади. Кўнни хотиржам ўтказишга ҳаракат қилинг, атрофдагилар билан имкон қадар мулоқотда бўлмаганингиз маъқул. Ҳар қанча сизни тортишга интилишмасин — бировлар билан ҳеч қандай шароитда бахс-можароларга киришманг.

Сартаршонга ташир буюриш учун, косметик операциялар ва муолажалар учун бу кун қўлай ҳисобланади. Сийдик-жиний тизим билан боғлиқ операциялар ва муолажалар тавсия этилади. Неврология ва невроз хасталиклари ҳуруж қилиши мумкин.

Тушларингиз албатта ўнгидан келад.

◆ 12 март — яқшанба (Ойнинг 6/7 кунин). Еркин, яратувчи куч-қудрат кўни. Ҳар қандай бошланган иш, та-

15 март — чоршанба (Ойнинг 9/10 кунин).

Турли авасасаларга берилиш ҳавфи мавжуд бўлиб, бу кейинчалик кўп-пушаймонликлар келтиради. Шу кунни одамлар бериловчан бўлиб қоладилар. Шунинг учун яхши таниш бўлмаганлар билан мулоқотдан ўзингизни олиб қочганингиз маъқул. Қўпчиликда айш-ишрат, ичкилик шўнғиш майли пайдо бўлади ва бу ҳам бирон-бир яхшиликка олиб бормайди. Қўлингиздан келиши мумкин бўлган энг яхши нарсаси — бу эхтиросларингизни жийлаб, шайтонга ҳай бериб, икки интизомга риоя қилишдан иборат. Шу кунги аҳмоқона қилғилиқларингиз учун кейин-чалик узоқ вақт пушаймон бўлиб юриши истамсангиз, ўзингизни тинч, хотиржам тутингиз.

Жарроҳлик операциялари тавсия этил-майди. Барча жисмоний машғулотлари

Шанбадан-шанбагача: мунажжим тавсиялари

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

шаббос муваффақият келтиради.

Шамоллаш хасталиклари, суррункали томоқ оғриғи, қовуқ яллиғланиши, ўсим-таларнинг ҳуруж қузатилиши мумкин. Ҳаддан ортиқ танангизнинг совиб кети-шига йўл қўйманг. Буйрақлар ҳамда сий-дик пуфакларини тозалаш муолажалар тавсия этилади.

Тушларингиз ёрқин ва ёқимли, лекин ёлғон тушлар бўлиб, ўнгидан келмайди.

◆ 13 март — душанба (Ойнинг 7/8 кунин). Кун мураккаб, зиддиятли бўлиб, адашши, алданши ҳеч гапмас. Шу кеча-кундузда Ойнинг тавсир кучи инсонга қат-тиқ салбий таъсир қилади. Яхши кўнни хотиржам ўтказиб, уни севган машғулот-лигизга бағишланг. Эхтиросларингизга эрк берманг. Хунук ҳабар олишингиз мум-кин. Ойнада ўзингизга қараманг. Бирон-бир масалда мумин аҳду-қарорлар қил-сангиз — хато бўлиб чиқади.

Танангизнинг ҳаддан ортиқ совушига йўл қўйманг. Томонингизни эҳтиёт қилинг. Овқатлардан ёки спиртли ичимликлардан заҳарланиш ҳавфи бор. Асабий ҳолатлар қуяниши мумкин. Тиш шифокорига бо-ришдан бугунча тийилганингиз маъқул.

Тонгга яқин қўрағ тушларингиз ўн-гидан келад.

◆ 14 март — сешанба (Ойнинг 8/9 кунин). Бу кеча-кундузда ҳам ойнинг та-сир кучи кишига салбий таъсир кўрсата-ди. Турли хил адашлар, алданларга чап беришга ҳаракат қилинг. Қайфия-тингизни тушириб, кўнглингизни чўрти-манг — буларнинг ҳаммаси ўқинчи. Шу кеча-кундузда давомида ойнада ўзингизни кўриш тавсия этилмайди.

Овқатдан заҳарланиш ҳавфи мавжуд. Спиртли ичимликлардан ўзингизни тур-ли қўринишлари қўчайиши мумкин. Астма ва нафас йўлларидаги бошқа хасталиқлар ҳам ҳуруж қилиши эҳтимоли бор. Оғиз бўлишида жарроҳлик муолажалари та-всия этилмайди.

Тушларингиз ёмон ҳабарлардан дарак беради. Лекин улар пуч бўлиб, ўнгидан келмайди.

Бақлажон, қалампир ва помидорлар уруғини сеппиш мумкин. 15 мартда ҳам шу уруғларни сеппишингиз омадли бўли-ши қўтилади.

имкон қадар қисқартиринг.

Тушларингиз бир ҳафта ичида ўн-гини-да ҳам содир бўлади. Улар, одатда, у ёки бу муаммони ҳал этиш бўйича тўғри йўллари кўрсатиб беради.

◆ 15 март — пайшанба (Ойнинг 10/11 кунин). Инсон онгида меҳр-мурувватга майиллик фаоллашади. Шу қайфият бил-лан имкон қадар кўпроқ мулоқотда бўлинг — шунда сиз ҳам бошингизга ташвиш туш-ганда ёлғиз қолмайсиз.

Бугимлар, асаб тизими хасталикларини даволаш тавсия этилади. Юрак хасталиғи билан оғриган беморлар шу кунни айнакка эҳтиёткор бўлишлари керак. Таркибда гивванд моддалар бўлган дорилар истеъ-мол қилиш тавсия этилмайди. Игна билан боғлиқ муолажалардан тийилиб туриш ке-рак, зеро, у ноҳус оқибатларга олиб бо-риши мумкин.

Тушларингиз ўнгидан келмаса-да, ке-лажакдаги мумин нарсалардан сизга ба-шорат беради. Шунинг учун диққатингиз-ни жамлаб, тушингизни эслаб қолинг.

17 март каби бу кун ҳам экинлар экиш учун ноқўлай ҳисобланади.

◆ 17 март — жума (Ойнинг 11/12 кунин). Мазкур кеча-кундузда ойнинг та-сир кучи инсон табиятига ҳамоҳанг бўла-ди. Бинобарин, у энг оқойишта кўнлардан бири бўлади. Мусикини балолаб қилиб эши-тиш, қандайдир ёмон эхтиросларга бери-лиш, одамларнинг гашига тегишдан ўзин-гизни тийинг. Умумий ҳамоҳангликни бу-зи — бу ишни қилган одамга ҳақолатли таъсир этиши мумкинлиги ёдингизда бўлсин. Ҳўжалик-рузгор ишлари билан, айнақса, уй-жойларни тозалаш билан боғ-лиқ ишлар билан шуғулланиш фойдали.

Умумий аҳволингиз яхши бўлмаслиғи мумкин. Юрагингизни зўриқтирманг. Ин-фаркт, қон босимининг кескин ошиб ке-тиши эҳтимоли бор. Спиртли ичимликлар-ни истеъмол қилишдан тийилинг. Кучли таъсир этувчи тиббий дори-дармонларни қабул қилиш тавсия этилмайди.

Тушларингиз ҳам ёрқин, табиат мута-носиллигига ҳамоҳанг бўлади. Улар сизни тинчлантиради, асабий толиқларингизни олади ва ҳатто турли хил хасталиқлар-дан холи қилади.

Муҳтабар АХМЕДОВА тайёрлаган.

Бўш вақтингизда

БОШҚОТИРМА

Диагнал бўйича: 1. Воқеа, ҳодиса ҳақидаги мўъжаз асар. 2. Тилчилик миллий мусика асбоби. 3. Тошкентнинг қадимий дарво-заларидан бири. 4. Дунё томи номини олган Ўрта Осиёдаги тоғ. 5. Шарқий Африкадаги дав-лат. 6. Пойтахтимиз вилоятида-ги дарёга номдош шаҳар. 7. Абу Райҳон Беруний меросига ман-суб нодир асар. 8. Осиё жануби-да қимматбаҳо ва ҳушбўй ёғочи бўлган ўстирилмадан доим яшил, баланд ўсувчи дархат. 9. Евро-падаги Ўрта денгиз соҳилига жой-лашган худудни кичик мамлакат. 10. Йилнинг маълум даврида амалга оширилмадан қўзғалган иш. 11. Ёр қарийдан қичқирган сув ман-баи. 12. Бинонинг ҳашамдор олд қис-ми. 13. Шарият қонунида, диний билимларни мукаммал би-лувчи мулла. 14. Қадимий ёзув анжуми. 15. Ўзбекистон Қҳра-мони. 16. Ҳарбий-денгиз фло-тининг олий қўмондонлиқ ун-вони. 17. Суяқ ёки қаттиқ жис-дан моддаларни ажратиб олиш қўлимаси. 18. Пойтахтимиз яқинидаги шаҳар. 19. Сопол буюм-лари ҳўнарманди. 20. Шам-сия йили ҳисобидаги учинчи ой-нинг арабча номи. 21. Миллий нон тури. 22. Заминнинг сай-ка-ли бўлган шаҳар. 23. Қадимда жонивор терисидан тайёрланган ёзув ашёси сифатида фойдал-ланган манба. 24. От-улов аба-ли тури. 25. Арманистондаги фўт-

бол командаси. 26. Зағарлик буюми, тақинчок. 27. Япония-нинг Хонсю оролидаги саноат-лашган шаҳар. 28. Қадимда сўтсимон ширасидан қамон ўқларини заҳарлашга фойдала-нилган Осиё жанубидаги да-рахт. 29. Вазн ўлчови бирлиги. 30. Тоғлиқлардаги тик горлик жой.

МУАММОНОМА

Оқчи сўзлар: 1. Мумтоз ада-биётда беш мустакил дoston-дан иборат асар — 15, 2, 10, 16, 2.

2. Ойбекнинг «Олтин водий-дан шабадлар» романи қҳра-мони — 9, 8, 19, 2, 10.

3. Мўъжаз шеърый асар — 14, 2, 5, 4.


4. Ўрта Осиё халқларига мансуб ватанпарварлик, мард-лик ғоялари акс этган қадим-ий афсона — 18, 1, 5, 17, 12.

5. Атоқли қозоқ халқ шеори ва оқини — 13, 2, 10, 3, 11, 6.

6. Йирик назмий асар — 4, 17, 16, 19, 17.

Энди оқчи жавоблари асо-сида шакл атрофиди рақам-ларни мос ҳарфлар билан ал-маштириб муаммонимизни ҳал этинг. Ундан мумтоз мутафак-кир шоир мир Алишер Навоий қаламига мансуб икки мисра ҳикмат аён бўлади.

Тузатиш
Фозилжон ОРИПОВ.



ГАЗЕТАНИНГ 3 МАРТ СЕНИДА ЧИҚҚАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Шаклда белгиланган қанадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Даштбод. 2. Шарнома. 3. Шаҳрихон. 4. Хаваскор. 5. Санс-кор. 6. Трикотаж. 7. Хирасима. 8. Фотетика. 9. Тимиртов. 10. Токтоқой. 11. Назматек. 12. Федченко. 13. Кинетика. 14. Строн-ций. 15. Бойчечак. 16. Ботаника. 17. Кобилият. 18. Иордания. 19. Новадиль. 20. Обгардон.

МУАММОНОМА

Оқчи сўзлар: 1. Дарё. 2. Молия. 3. Уруғ. 4. Шойи. Ҳикмат: Дили ёруғ одам — оромда яшайди.



Қатра

НАВРЎЗ БИРДАМЛИКНИ СЕВАБИ

Ўтлоқлардаги ранг-баранг гуллар илиқ ел-да тебраниб ўзаро шивирлашади.

— Баҳорнинг сеvimли гулиман, — дейди гунафша. — Омонлик, ҳеч қўрмайлик ёмонлик, дея одамлар мени димокларига тутадилар.

— Мен ҳам ёқимли бўлсам керак, — деди камтарлик билан сийҳанг лабларини қимтиб чўчмома.

— Мен ошкларнинг дил изҳориман, — ёноқ.

ларини қўп-қизартириб бўш келмади лола ҳам.

— Ҳаммангиз ҳам бир-бирингиздан аъло-сиз, — дейди гулларга ошифта Кўнгул. — Яхши-си сизни бирлаштириб, гулдаста тузаман. Сўнг қўлим билан юқори кўтариб Наврўзни олқий-лайман.

Наврўз бирдамлики севади.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

Ота-оналар бурчаги

ОЛАМНИ БИЛИШ УСУЛИ: У НЕГА КЕРАК?

Азиз биродарлар, олдинги икки сўхбатимизда («Тошкент оқшомини», 2000 йил 11, 18 февраль) фарзандларимиз атроф-теварақ ва бутун оламни уч хил йўла (усул) билан идрок этишлари ҳақида ҳикоя қилдик. Педагоглар ва тадқиқотчилар ўз қўлатувларида кўпинча аудиторияларнинг ахборотларни қабул қилиш тарзлари — кўзлари, қўлоқлари ёки бевосита сези аъзолари билан ушбу кўриш орқали қабул қилишлари ҳақида, шу аудиторияларнинг визуал (кўриш), эшитиш ва кинетик ёки тактил (пайпасловчи) деб ата-ган турларини тизга олишди.

Биз асосланиётган Оқшома университети олимлари (Л. Бродвей ва Б. Алберс Хилл) болаларга хос билиш усулларини содда тил-да ифодалаб, «томошабин», «тингловчи» ва «тиниб-тинчимас» деган атама-ларни қўллаш-ган. Улар ҳақида газетамизнинг олдинги сон-ларида ҳикоя қилгандик. Айни пайтда бола-ларда билишнинг юқоридидаги уч усулдан қай бири кўпроқ ривожланганини аниқлаш билан бирга, ота-оналар ҳам оламни қабул қилиш-даги ўз услубларини билишлари ҳам фарзанд тарбиясида катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтгандик.

Бу ерда ҳақиқат бир савол туғилиши табиий. Ҳўш, буларни билиш нима учун керак ва ота-оналарга нима беради? Яна юқорида номла-ри келтирилган олимлар илмий-тадқиқотчи ва-рактойим. Гап шундаки, мурғак гўдакнинг кел-гуси ҳаёти тўлақонли, бахтли ва сермазмун бўлишини таъминлашни қайси ота-она хоҳла-майди? Ҳаммадан ҳам жигарораларимиз қол-гусида жийла бўлмаса ўрчимизни бошиш, биз-дан анча ўзиб кетиб, ҳаётда ўзимиз орзу қилган мавқе ва бўрига эга бўлишларини орзу қиламиз. Бу табиий. Лекин ҳаммаша ҳам орзу-ларимиз ёки ўйлаганча ушалавермайди. Бун-нинг асосли сабаблари бор экан. Масалан, келажакда ҳар биримиз эришишимиз мумкин бўлган муваффақиятлар ҳақиқатда тўғри-ғиланимиздаёқ ўзимизда мавжуд бўлар экан.

Аммо ана шу табиий имкониятларимизнинг ҳаммасини ишга сола олмаганимизга ишон-ч ҳосил қилиш қийин экан.

Чўноччи, ҳаммаслар ва мижозлар билан муомала қилишнинг энг оддий қўнқималари-га ҳам эга бўлмаганлик оқибатида жиддий ишларни олиб бормолган собиқ аълочилар ҳаётимизда тез-тез ўраб туради. Кўпинча, мак-таб олитин ишлар билан битириб, ҳаётда тузукроқ мавқени эгаллаб олмаган тенгдош-ларимиз, оддий таниш-билишларимизни қўриб, ҳайратланишамиз. Ёки ёзма нутқи бўлмагани ту-ғрили биронта назарга илингудек қўлланма ёхуд дарслик ёза олмаган сўзсизмол нотиклар қамми? Яна мактабда ақойиб спортчи сифа-тида донг таратган, соғлом ва бақувват йи-гитлар университетларга катта имтиёз билан қабул қилинганда, улар елкаларига ағдарил-ган ўқув юкларини кўтара олмаган ҳолларни эшитмаганимиз?

Ҳар бир инсонга хос бўлган оламни қабул қилиш, ахборотларни ўзлаштиришнинг қўриш, эшитиш ва бевосита сези аъзоларига (қўл, танага) таъсир этириш орқали амалга оши-риш усуллари юқоридида биз санаб ўтган қўн-қил сўз ҳолларини олдин ошдида ота-оналарга жуда қўл келад.

Энди ўша усулларнинг қай бирини кўпроқ эгаллаш керак, деб ўйлаши-ғиз мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, уч асосий услубдан бирини атайлаб изчил шакл-лантира бориш яна тўғри бўлмайди. Ҳар учна-ла усулдан биронтасига устувор

